

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИДА БОЛАЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШ


<https://doi.org/10.5281/zenodo.7452814>

Хамраева Дилфузза Муродуллаевна

Тошкент шаҳридаги 451-сонли давлат  
мактабгача таълим ташкилоти директори



ELSEVIER



Received: 15-12-2022

Accepted: 17-12-2022

Published: 22-12-2022

**Abstract:** Маколада мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси ҳамда оила-оналар томонидан болаларда маънавий-ахлоқий мотивацияни ҳосил килиувчи методлардан фойдаланиб тарбиялашга оид фикрлар ёритилган. Шунингдек, болаларнинг аклий, руҳий камолотини таъминланда ота-оналарнинг ўзига хос фаолиги масалалари таҳлил этилган.

**Keywords:** мактабгача таълим, оила, маънавий-ахлоқий, тарбия, метод, тарбиячи..

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 15-12-2022

Accepted: 17-12-2022

Published: 22-12-2022

**Abstract:** В статье рассматриваются взгляды воспитателей детских учреждений и родителей в семье на использование методов, создающих духовно-нравственную мотивацию у детей. Также анализируются вопросы специфической активности родителей в обеспечении умственного и духовного развития детей..

**Keywords:** дошкольное образование, семья, духовно-нравственное, воспитание, методика, воспитатель...

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 15-12-2022

Accepted: 17-12-2022

Published: 22-12-2022

**Abstract:** The article examines the views of educators of children's institutions and parents in the family on the use of methods that create spiritual and moral motivation in children. It also analyzes the issues of the specific activity of parents in ensuring the mental and spiritual development of children..

**Keywords:** preschool education, family, spiritual and moral, upbringing, methodology, educator..

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Инсон беш ёшгача бўлган даврда дунёни англаб бошлийди, ўз она тилини ўзлаштиради, ота-она, оила, махалла, Ватанга меҳри уйғонади, умр давомида оладиган билимларга замин ҳозирлайди. Бунда, энг аввало, оила асосий роль ўйнаса, мактабгача таълим муассасасининг хиссаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда айнан мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимишининг ажralmas бўлагига айланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга қўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қиласи.

Мамлакатимизда мазкур соҳадаги ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, мактабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация килишга қаратилаётган эътибор замирида ҳам келажагимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари ҳамда буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб вояга етишларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.<sup>124</sup> Жумладан, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурда кенг қўламли стратегик мақсадлар, муҳим вазифалар белгилангани билан ахамиятлидир.

Бугунги кунда барчамизнинг асосий вазифамиз ва инсоний бурчимиз баркамол авлодни тарбиялашдир. Шу боис ҳам мамлакатимизда барча хайрли ишлар аввало оилаларни мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда. “Авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўргони бу - оиладир”<sup>125</sup>. Болалар тарбиясига нафақат оила, таълим-тарбия муассасалари балки маҳалла ҳам маъсулдир. Чунки, фарзанд тарбияси кўп омилларга, аввало, ахлоқий-маънавий муҳитга ҳам боғлиқ. Бинобарин, мактабгача таълим-тарбия муассасалари билан оила ҳамкорлиги бунда муҳим ахамиятга эга. Она юртига муҳаббатни шакллантириш, маърифатли ва маънавиятли шахс сифатида вояга етишларини таъминлаш, мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мактабгача ёшдаги бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини қўради, жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида, оилавий муносабатларни ташкил этиш жараёнида англайди. Шунингдек, ота-оналар фарзанд тарбиясида ўзларининг бурч ва маъсулиятларини чукур англашлари лозим. Шундай экан, оилада руҳий хотиржамлиқ, самимий муносабат, ота-она обрӯсининг юқори бўлиши, болаларга талаб қўйишида оила катталари ўртасидаги бирликнинг сақланиши, бола шахсини меҳнатга тарбиялашга алоҳида эътибор бериш, болани севиш ва иззатини жойига қўйиш, оилада қатъий режим ва кун тартибини ўрнатиш, боланинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, боладаги ўзгаришларни кузатиб бориш, ундаги мустақилликка интилиш ва ташаббускорлик сифатларини қўллаб-қувватлаш ота-оналарнинг педагогик билимларга эга эканлигини кўрсатади.

<sup>124</sup> Турсунов С. Мактабгача таълим – узлуксиз таълим тизимининг пойдевори. <http://www.adolatgzt.uz>

<sup>125</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3090103>

Оилавий муносабатлар фарзандларнинг ақлий, рухий камолотини таъминлаб, ота-оналарда ўзига хос фаолликни хам юзага келтиради. Хусусан, фарзандларнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг қизиқиши хамда фаолиятлари доираси кенгаяди, ўзаро алоқалари мазмунан бойиб боради, реал ҳаёт моҳиятини чукурроқ англаш, яъни, фарзандлар камолоти, келажаги тимсолида ўз умри давомийлигини куриш ҳолати рўй беради. Шахснинг маънавий сифатларга эга бўлиши, унда маънавий билимларни эгаллашга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишининг пайдо бўлишида оила тарбияси асосий ролни бажаради. Оилада қарор топган соғлом маънавий-рухий муҳит фарзандларнинг етук, баркамол бўлиб вояга етишлари учун бекиёс аҳамиятга эгадир.

Шарқда азал-азалдан фарзанд тарбиясига юксак баҳо бериб келинган. Жумладан, фарзанд тарбиясини қачондан бошламоқ керак, деган савол қўпчиликни ўйлантиради. Кўпчилик олимлар унга турлича жавоб бериб келганлар. Хусусан, Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғултаниш лозим, деб жавоб берган<sup>126</sup>. Оила, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга эътибор қон-қонимизга сингиб кетган бурчларимиздандир. “Бир болага етти қўшни ота-она” деган ибратли мақол хам айнан халқимизга хос. Мана шу мақолнинг ўзи хам фарзанд тарбияси, оиласпарварлик биз учун нечоғлик муҳим эканини билдиради. Маҳалла ахли, айниқса кексалар кўчада нобоп иш қилаётган бола олдидан ҳеч қачон бепарво ўтиб кетмаган, шу заҳотиёқ танбех бериб тӯғри йўлга чақирган. Зоро, ҳар томонлама чиройли, одобли, гўзал хулқли бўлиш, нафсни поклашга буюрувчи муқаддас динимиз оиласа катта аҳамият беради.

Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда таклидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўzlари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиласидилар. Оиладаги қўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат мактабгача ёшдаги бола тарбиясига салбий таъсир қиласидиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи муҳим ўрин тутади. Мактабгача ёшдаги боланинг болалик даври ота-она томонидан қўпол, дағал сўзлар эшитиб, калтак еб катта бўлса, бу унинг табиатига салбий таъсир қиласиди. Бу эса ўз навбатида оиласидаги носоғлом муҳитда тарбияланадиган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланади<sup>127</sup>. Улар эса жамият маънавиятига хам салбий таъсир кўрсатади

<sup>126</sup> Арапбаева Д. Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳакидаги фикрлари. [www.<https://cyberleninka.ru>](https://cyberleninka.ru)

<sup>127</sup> Xodjayev B.X. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyoti. Darslik – T.: Sano-standart, 2017.

Ота-оналар ўзларининг ижтимоий бурчларини бажаришда қўйидагиларни:

- фарзандларида меҳнатга, уни ташкил этувчиларга нисбатан меҳрмұхабbat, хурмат туйғусини шакллантириш;
- уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлаш;
- турли қўринишдаги муносабатларни уюштириш вақтида тартиб-интизомга амал қилиш;
- ижтимоий меъёрларга оғишмай риоя этиш;
- соғлом турмуш тарзини яратиш;
- ўз шахсий ҳаётлари мазмунини белгилашда мақсад, сўз ва фаолият бирлигини таъминлаш борасида ҳар томонлама ижобий ибрат намунасини қўрсатишилари зарур.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси, оиласда эса ота-оналар томонидан ҳам болаларда маънавий-ахлоқий мотивацияни ҳосил қилувчи методларидан фойдаланиб тарбиялаш мақсадга мувофиқдир. Бу методлардан тарбиячи тарбияланувчиларда ижобий ахлоқий сифатларни мустаҳкамлаш, тарбияланувчи хулқидаги салбий томонларни йўқотиш мақсадида фойдаланилади. Бунда койиш, мақташ, тақдирлаш, таъқиқлаш, таҳсинлаш, тергаш, уялтириш, шавқлантириш каби усуслардан фойдаланилади.

Ушбу усуслар мазмунини қўйидагича изоҳлаймиз:

1. Койиш – жазо беришнинг енгил тури. Мактабгача ёшдаги болаларга танбеҳловчи сўз айтиш, танбеҳ бериш, уришиб қўйиш.
2. Мақташ – мактабгача ёшдаги болаларни унинг ўзига ёки бошқалар олдида яхши томонларини қўрсатиб гапириш, яхши қилиб қўрсатиш.
3. Тақдирлаш – мактабгача ёшдаги болани қадрлаш, муносиб баҳолаш, тарбияланувчига унинг қадри бор эканлигини сездириш.
4. Таъқиқлаш – тарбиявий мақсадда мактабгача ёшдаги болаларга, тарбияланувчига бирор нарсани ман этиш.
5. Таҳсинлаш – тарбияланувчини «офарин», «балли» каби сўзлар билан қарши олиш, мақтаб юксак баҳолаш.
6. Тергаш – вақти-вақти билан мактабгача ёшдаги болаларга етарли даражада қаттиққўлликни намоён қилиб, текшириб, ножӯя хатти-харакатлари учун койиб, «йўли»дан қайтариб туриш.
7. Уялтириш – номаъқул қилиғи учун мактабгача ёшдаги болаларга ўта ноқулайлик туғдириш, хижолот қилдириш.
8. Шавқлантириш – мактабгача ёшдаги болаларнинг хулқи, мувафақиятлари, келажагига ғоят мамнунлик хисси билан қизиқиш, руҳий қўтаринкилик билан завқланиш, завқлантириш, қаноатлантиришдир.

Оилада болалар тарбиясини ташкил этишда оила шароитида уюштирилаётган сұхбатлар алохида дикқатта сазовордир. Эртаклар, хикоялар, ривоятларда уларда илгари сурىлган ғоялар юзасидан үтказиладиган сұхбатлар болаларда маънавий тасаввур, идрок, саводхонлик, тафаккур, фаоллик, масъуллик, эътиқод ва салоҳиятни қарор топишига олиб келади.

Оила мұхитида болаларга уларнинг бурчлари тұғрисидаги маълумотларни беріб бориши, жумладан, опа-сингиллари, ақа-укаларига меҳрибонлик қилиш, тенгдош болалар билан дүстлашиш кабилар яхши самара бера олади. Оила болаларда ватанпарварлық, инсонпарварлық түйғуларини ҳосил қылувчи үзига хос маскан саналади. Болалар «Ватан», «халқ» тушунчаларининг моҳиятини дастлаб ана шу масканда үзлаштирадилар. Бинобарин, оиланинг үзи Ватаннинг бир бұлагидир. Оила шаънини ҳимоя қилиш, уни сақлаш тұғрисида қайғуриш, Ватаннинг шаъни, эл-юрган манфаати учун курашишга оид илк түйғуларини шакллантиришга эришиш оилада ташкил этилаётган ижтимоий тарбиянинг асоси бўлиши лозим.

Юқорида қайд этилган фикрлар нафакат мактабгача таълим муассасаларида, оила тарбиясида ҳам ташкил этилса комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш муваффакияти учун пойдевор бўлади. Фарзандларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларида ота-она, оиланинг бошқа аъзоларининг дунёқарашлари, ҳаётий ёндошувлари ва маънавий дунёси үзига хос ўрин тутади. Шунингдек, ота-оналарнинг муайян даражада педагогик билимларга эга бўлишлари ҳам аҳамиятлидир. Оила ва мактабгача таълим муассасалари ўртасида ташкил этилган ҳамкорликнинг бош ғояси ота-оналар учун педагогик ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Турсунов С. Мактабгача таълим – узлуксиз таълим тизимининг пойдевори. <http://www.adolatgzt.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3090103>
3. Арапбаева Д. Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳақидаги фикрлари. [www.https://cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru)
4. Xodjayev B.X. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyoti. Darslik - T.: Sano-standart, 2017.